

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДА ТАРТИБГА СОЛИШ: НОРМАЛАР УЙҒУНЛИГИ, ДЕФИНИЦИЯЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚЛАР (ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ МИСОЛИДА)

Xurramov Alisher Suyunovich

©O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi Universiteti mustaqil izlanuvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18379231>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарлиги (жиноятчилиги) профилактикасини ҳуқуқий таъминлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг вертикал (Конституция–қонун–кодекс–қонуности ҳужжат) ва горизонтал уйғунлигини таъминлаш муаммолари очиб берилади. Амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш тизимида дефинициялар бирхил эмаслиги ҳамда қатор соҳаларда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги профилактика субъектлари ваколатларининг ноаниқ талқин этилишига, профилактика механизмларининг самарадорлиги пасайишига олиб келиши асосланади.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий бўшлиқни аниқлаш ва уни бартараф этишнинг илмий-методологик ёндашувлари ҳамда халқаро амалиётда қўлланадиган таъсирни баҳолаш (RIA) каби воситаларнинг аҳамияти ёритилади. Мақолада ёшлар профилактикасини замонавий талабларга мослаштириш учун дефинициялар уйғунлиги, институционал механизмларни қонуний мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий мониторингни рақамлаштириш зарурати илмий асосланади.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқбузарлиги; профилактика; миллий қонунчилик; нормалар уйғунлиги; дефинициялар; ҳуқуқий бўшлиқ; ҳуқуқий мониторинг; рақамлаштириш; RIA (қонунчилик таъсирини баҳолаш); ваколатлар тақсимооти.

НОРМАТИВНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ В НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ: СОГЛАСОВАННОСТЬ НОРМ, ДЕФИНИЦИИ И ПРАВОВЫЕ ПРОБЕЛЫ (НА ПРИМЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ)

Аннотация. В статье исследуются актуальные проблемы правового обеспечения профилактики правонарушений (преступности) среди молодежи в Республике Узбекистан. Обосновывается, что недостаточная вертикальная и горизонтальная согласованность нормативного массива, а также неоднородность дефиниций формируют правовые пробелы и коллизии, что осложняет правоприменение и снижает эффективность профилактических механизмов. Раскрываются научно-методологические подходы к выявлению и преодолению правовых пробелов, подчеркивается значение экспертно-аналитических инструментов и оценки регулирующего воздействия (RIA) для повышения качества нормотворчества. Отдельное внимание уделяется необходимости цифровизации правового мониторинга и развитию системного подхода к правовому регулированию профилактики, включая укрепление институциональных механизмов и четкое разграничение полномочий субъектов профилактики.

Ключевые слова: молодежные правонарушения; профилактика; национальное законодательство; согласованность норм; дефиниции; правовой пробел; правовой мониторинг; цифровизация; оценка регулирующего воздействия (RIA); правоприменение.

REGULATION IN NATIONAL LEGISLATION: NORM COHERENCE, LEGAL DEFINITIONS, AND REGULATORY GAPS (CASE OF YOUTH OFFENSE PREVENTION)

Abstract: This article examines the current state of legal regulation of youth offense (and crime) prevention in Uzbekistan, focusing on challenges caused by insufficient coherence across the hierarchy of legal acts and inconsistencies in key legal definitions. It argues that fragmented regulation and definitional dissonance generate legal gaps and interpretative uncertainty, which in turn weaken institutional coordination and the practical effectiveness of prevention measures. The paper highlights methodological approaches to identifying and addressing regulatory gaps and emphasizes the role of evidence-based lawmaking tools, including regulatory impact assessment (RIA), in improving legislative quality. It also stresses the importance of digitalizing legal monitoring and strengthening institutional mechanisms to ensure clearer allocation of powers among prevention stakeholders and more predictable enforcement outcomes.

Keywords: youth offending; prevention; national legislation; norm coherence; legal definitions; regulatory gaps; legal monitoring; digitalization; regulatory impact assessment (RIA); institutional coordination.

Сўнгги йилларда Президент Ш.М. Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини тубдан янгилаш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён янги давлатчилик модели ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган стратегик мақсадларнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлиб, давлат бошқаруви тизимини инсон манфаатларига хизмат қиладиган, ҳисобдорлик ва очиқликка асосланган самарали механизм сифатида такомиллаштиришни назарда тутди¹.

Маъмурий ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида 2025 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–161-сонли “Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва масъулиятни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этади². Ушбу фармонда вазирлик ва идоралар фаолиятида ташаббускорлик, ҳисобдорлик, очиқлик ҳамда фуқаролар манфаатларига йўналтирилган бошқарув тизимини яратиш вазифаси белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат давлат бошқарувининг институционал тизимини мустаҳкамлаш, маъмурий амалиётни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш ва давлат органлари фаолиятида масъулиятни ошириш учун зарур сиёсий-ҳуқуқий асосни яратди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ислохотнинг барқарор ва узоқ муддатли самараси, аввало, унинг ҳуқуқий пойдеворининг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Зеро, ҳуқуқий асослар етарли даражада такомиллаштирилмаган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар амалда самара бермаслиги ёки тизимли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан, давлат бошқаруви тизимидаги ҳар бир ислохот ташаббуси ҳуқуқий асослар, норматив-ҳуқуқий кафолатлар ва институционал механизмлар билан мустаҳкамланиши

¹ Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси* – 2030. Тошкент: Ўзбекистон // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/5841063>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–161-сон Фармони “Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва масъулиятни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”. lex.uz.

зарур. Бу эса ислохотларнинг барқарорлигини, бошқарув жараёнларининг изчиллигини ва давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий аниқлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, бошқарув тизимини самарали ташкил этишда шахсий жавобгарлик ва ҳисобдорлик принциплари алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир раҳбар шахсан қабул қилаётган қарорлари учун ҳуқуқий ва ахлоқий жавобгарликни ҳис этиши лозим. Бу нафақат бошқарув самарадорлигини оширади, балки давлат хизматчилари фаолиятида шаффофлик ва масъулият муҳитини яратади. Натижада, мазкур ёндашув маъмурий юрисдикция соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаб берди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат бошқарувида жавобгарлик ва ҳисобдорлик принципларининг марказий мезон сифатида мустаҳкамланиши маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий аниқлик, тизимлилик ва барқарорлик асосида ривожланишига замин яратди. Бу эса “қонун устуворлиги” тамойилини амалий мазмунда қарор топтириш ҳамда давлат бошқарувида фуқаролар манфаатларига йўналтирилган фаолиятни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий-сиёсий гарови сифатида намоён бўлди.

Мазкур сиёсий-ҳуқуқий ёндашувнинг амалий ифодаси 2025 йилда қабул қилинган бир қатор Президент қарорларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида жамоат хавфсизлиги тизимини илмий асосда қайта қуриш, маҳаллий даражада жиноятчиликнинг асл сабабларини бартараф этиш, шунингдек “маҳалла – туман – вилоят” тизимида шахсий масъулият ва ҳисобдорликни кучайтириш вазифалари белгилаб берилди³.

Бундан ташқари, 2025 йил 18 августда қабул қилинган ПҚ–253-сонли қарор билан маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимини янада самарали ташкил этиш, “намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз уй” лойиҳаларини жорий қилиш ҳамда масъул раҳбарлар шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича янги механизмлар белгилаб берилди⁴. Ушбу қарорда замонавий рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини жорий этиш орқали хавфсиз муҳитни таъминлаш, ички ишлар тизимида кадрлар тайёрлашни рақамли форматда такомиллаштириш ва маҳалла даражасида профилактика ишларини самарали ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланди⁵.

Мазкур ислохотларни тизимли амалга оширишда 2022 йил 28 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодий тубдан трансформация қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган⁶.

³ Мирзиёев Ш.М. “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сон қарори “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs>

⁵ Ахмедов А. Рақамли трансформация ва хавфсизлик соҳасидаги инновациялар. Тошкент: ТДЮУ нашриёти.

⁶ Мирзиёев Ш.М. 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон **Фармони** // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й., №5, 45-модда.

Мазкур ҳужжат илгари ҳуқуқшуносликда етарлича тадқиқ этилмаган, аммо ҳозирги глобал ҳуқуқий ривожланиш тенденцияларида муҳим аҳамият касб этаётган инсон манфаатларига йўналтирилган давлат бошқаруви моделини амалиётга татбиқ этишни назарда тутди.

Натижада, ҳуқуқий ислохотларнинг барча йўналишларида инсон омилини марказга қўйиш, “*ҳуқуқни яратиш – ҳуқуқни татбиқ этиш – ҳуқуқий маданиятни шакллантириш*” занжирининг барқарор ишлаши таъминланмоқда⁷. Бу жараёнда ҳуқуқий сиёсат фақат ҳуқуқ нормаларини яратиш билан чекланиб қолмай, уларнинг ижтимоий самарадорлиги ва амалий татбиқини ҳам қамраб олади.

Мазкур стратегия доирасида қабул қилинган “*Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили*” давлат дастурининг 8-мақсади — “*Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш*”га бағишланган бўлиб, бу бевосита норма ижодкорлиги тизимини ислох қилишга қаратилган илмий-ҳуқуқий асос ҳисобланади⁸.

Замонавий давлатда норма ижодкорлиги нафақат қонун яратиш фаолияти, балки унинг илмий-техник, ахборот ва мониторинг тизими билан ҳам узвий боғлиқ мураккаб жараёндир. Шу нуқтаи назардан, янги Ўзбекистонда илк бор қонун ижодкорлиги жараёнларини рақамлаштириш, таҳлил ва мониторингни ахборот платформалари орқали амалга ошириш амалиёти жорий этилди. Бу Европа давлатларидаги *LegisLab (Германия)* ва *LegiFrance (Франция)* тизимларига ўхшаш миллий ҳуқуқий ахборот муҳитини яратишга йўл очди⁹.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос олим *А.Ш. Содиқов* фикрича, “*ҳар бир мустақил давлатда норма ижодкорлиги фаолиятида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати ва тузилиши мазкур давлатнинг демократик ёндашувлари, цивилизацияси ва ҳуқуқий маданият даражасини кўрсатиб беради*”¹⁰. Бу фикр Янги Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларнинг демократик ҳуқуқий давлат куришдаги замонавий босқичини илмий жиҳатдан ифода этади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий сиёсат самарадорлигини таъминлаш учун қонун ижодкорлиги жараёнини илмий-техник базалар билан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий мониторинг, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва жамоатчилик фикрини интеграция қилган ҳолда баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Бу тажриба ривожланган давлатларда ҳам кенг қўлланилади. Хусусан, *Японияда Legislative Bureau of the Cabinet* органи ҳар бир янги қонун лойиҳаси бўйича илмий-таҳлилий хулоса тайёрлайди, *Германияда* эса *Bundesrat Ausschuss für Recht* ҳуқуқий экспертизани мустақил илмий марказлар билан ҳамкорликда амалга оширади¹¹.

⁷ **Мирзиёев Ш.М.** Янги Ўзбекистон — демократик ўзгаришлар ва инсон қадрининг юксак қиймати. — Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023. — 312 б.

⁸ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг** 2023 йил 2 февралдаги “2023 йил учун инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №42-сон Қарори // *lex.uz*, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹ *LegiFrance – Le service public de la diffusion du droit.* // Gouvernement Français, Ministère de la Justice. <https://www.legifrance.gouv.fr>

¹⁰ **Содиқов А.Ш.** Норма ижодкорлиги жараёнининг ҳуқуқий ва институционал асослари: монография. — Тошкент: “Юридик фанлар академияси” нашриёти, 2022. — 198 б.

¹¹ **Bundesrat Ausschuss für Recht (Germany).** *Jahresbericht über Gesetzgebungsverfahren und Rechtsexpertise* 2023. — Berlin: Bundesrat Verlag, 2023. **Legislative Bureau of the Cabinet (Japan).** *Annual Legal Drafting Review* 2023. — Tokyo: Government Printing Office, 2023.

Шу билан бирга, ҳуқуқшунос олим *Ш.А. Сайдуллаев* таъкидлаганидек, “*ҳуқуқий бўшлиқни аниқлаш — бу қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги аниқ муаммонинг ечимини қонун нормаларида топа олмаслик ҳолати билан боғлиқ ҳуқуқий ҳодиса*” д¹². Бу таъриф ҳуқуқий бўшлиқ муаммосини фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам очиб беради. Чунки ҳар қандай давлатнинг қонун тизими доимий равишда ривожланиб боровчи ижтимоий муносабатларга мослашиб туриши лозим.

Хориж амалиёти шундан далолат берадики, ҳуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этишда илмий-эксперт тизимларнинг ролини кучайтириш самарали натижа беради. Масалан, *Францияда Conseil d’État* (Давлат кенгаши) ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича юридик бўшлиқ ва коллизия таҳлилини мажбурий экспертиза сифатида ўтказди.

Хусусан, *Корея Республикасида* эса *Ministry of Government Legislation* махсус рақамли *Law Drafting Management System* орқали ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш жараёнини автоматлаштирган¹³.

Шу ўринда, ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг илмий-методологик асосларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бугунги кунда ҳуқуқий тизимнинг самарадорлиги фақат мавжуд қонунлар сони ёки уларнинг доираси билан эмас, балки бу қонунлар ижтимоий муносабатларни қай даражада тўлиқ қамраб олиши билан белгиланади. Агар ҳуқуқ нормалари жамиятда юзага келаётган янги ижтимоий ҳолатларни тартибга сола олмаса, бу ҳолат ҳуқуқдаги бўшлиқ (правовой пробел) сифатида намоён бўлади¹⁴. Жумладан, Россиялик ҳуқуқшунос олимлар *В.Н. Лихачев, Е.И. Спектор* ва *Ф.Р. Уранский* ўз илмий асарларида ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлашнинг методларини илмий жиҳатдан асослаб, бу жараённинг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги аҳамиятини белгилаб берганлар¹⁵. Улар фикрича, ҳуқуқдаги бўшлиқларни илмий аниқлаш орқали:

- асоссиз равишда “бўшлиқ мавжуд” деган хулосага келиш ҳолатлари олди олинади;
- ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан бўшлиқларни мустақил тўлдириш имконияти аниқланади;
- ижтимоий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш зарурати баҳоланади;
- янги ҳуқуқий конструкциялар ва нормаларни ишлаб чиқиш орқали мавжуд тизимни такомиллаштириш мумкинлиги белгиланади.

Бу ёндашув илмий-методологик аниқликни таъминловчи муҳим мезондир.

Ҳуқуқдаги бўшлиқни аниқлаш фақат назарий фаолият эмас, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийлик ва барқарорликни таъминловчи восита ҳисобланади. Шу боис, *В.В. Лазарев* тўғри таъкидлаганидек, “*ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш — ҳуқуқни қўллаш жараёнида уларни енгиб ўтиш ёки бартараф этишдан ҳам муҳимроқ вазифадир, чунки*

¹² *Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқий бўшлиқлар назарияси ва уларни бартараф этишнинг институционал механизмлари: монография.* – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2021. – 146 б.

¹³ Ministry of Government Legislation (Republic of Korea). Law Drafting Management System Annual Report 2024. – Seoul: MGL Publications, 2024.

¹⁴ Лазарев В.В. *Теория государства и права.* – Москва: Юрайт, 2019. – С. 185.

¹⁵ Лихачев В.Н., Спектор Е.И., Уранский Ф.Р. *Методология правотворчества и правоприменения.* – Санкт-Петербург: Юридический центр, 2018. – С. 112–118.

аввал бўшлиқ мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаб олмасдан туриб, уни бартараф этишнинг ҳуқуқий йўлини белгилаб бўлмайди”¹⁶.

Халқаро амалиётда ҳам мазкур масала кенг қамровда ўрганилган. Масалан, **Германияда** *Gesetzgebungskommission* тизими орқали ҳар бир янги қонун лойиҳаси ёки ўзгартиш киритиш жараёнида илмий таҳлилчи гуруҳлар бўшлиқ ва коллизия таҳлилини амалга оширади¹⁷. **Францияда** эса *Conseil d'État* махсус “gap review” экспертизаси орқали ҳар бир қонун ҳужжати қабул қилиниши олдида унинг амалга оширилишида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар таҳлилини ўтказиши¹⁸. **Япониядаги** *Cabinet Legislation Bureau* эса қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда “gap mapping” усулидан фойдаланади, яъни мавжуд қонунчилик ва амалиётдаги бўшлиқлар электрон тарзда хариталаниб, уларни бартараф этиш бўйича концептуал асос яратилади¹⁹. **Корея Республикасидаги** *National Law Information Center* рақамли платформа орқали барча ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро солиштирилади ва автоматлаштирилган *AI Legal Gap Analysis* тизими орқали бўшлиқ ҳолатлари мунтазам мониторинг қилинади²⁰.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда қонунчилик соҳасидаги илмий таҳлил фаолиятини рақамлаштириш ва автоматлаштириш бўйича дастлабки қадамлар ташланмоқда. *Lex.uz*, *Norma.uz* ва *Huquqiy axborot portali* платформалари орқали қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмуний таҳлили йўлга қўйилди, аммо бу фаолиятни халқаро андозалар даражасига етказиш учун илмий-методологик асослар янада мустаҳкамланиши зарур²¹.

Бундан ташқари, Беларус ҳуқуқшуноси Д.Б. Абушенко фикрича, “қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар — ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар доирасининг амалдаги ҳуқуқ нормалари билан қамраб олинмаган қисмида намоён бўлади”²². Бу фикр миллий ҳуқуқ тизими учун ҳам долзарб, чунки Янги Ўзбекистондаги ислохотлар натижасида юзага келаётган янги ижтимоий муносабатлар амалдаги қонунчилик билан тўлиқ тартибга солинмаган ҳолатлар билан тўқнашмоқда.

Фикримизча, ҳуқуқдаги бўшлиқни аниқлаш жараёни икки босқичли бўлиши лозим:

- ❖ *бўшлиқни кўрсатиш* — илмий ва амалиётчи ҳуқуқшунослар томонидан мавжуд ҳуқуқий номуносабатлик ёки тартибга солинмаган соҳаларни белгилаш;
- ❖ *бўшлиқни ўрнатиш* — қонун ижодкори ёки ваколатли орган томонидан ушбу бўшлиқни юридик асосда ечиш механизмини ишлаб чиқиш.

Бу модел Европа Иттифоқи мамлакатларидаги “two-tier gap management” тизимига мос келади, яъни илмий жамоатчилик фикри ва давлат органларининг норма ижодкорлиги фаолияти ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади²³.

¹⁶ Лазарев В.В. *Пробелы в праве и способы их устранения*. – М.: Норма, 2017. – С. 73.

¹⁷ Gesetzgebungskommission der Bundesrepublik Deutschland. *Gesetzgebungsanalyse und Lückenbewertung: Jahresbericht 2023*. – Berlin: Bundesrat Verlag, 2023.

¹⁸ Conseil d'État (France). *Rapport sur l'analyse des lacunes et conflits juridiques dans la législation*. – Paris, 2022.

¹⁹ Cabinet Legislation Bureau (Japan). *Annual Legislative Review and Gap Mapping Methodology 2023*. – Tokyo, 2023.

²⁰ Ministry of Government Legislation (Republic of Korea). *AI Legal Gap Analysis Report 2024*. – Seoul: MGL Publications, 2024.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. *Huquqiy axborot portali (lex.uz, norma.uz) фаолияти ҳақида маълумот*. – Тошкент, 2024.

²² Абушенко Д.Б. *Теория пробелов в праве: Монография*. – Минск: Белорусский гос. ун-т, 2020. – С. 54–55.

²³ European Commission. *Better Regulation Guidelines: Two-tier Gap Management Framework*. – Brussels, 2023.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос олим *Ш.А. Сайдуллаев* таъкидлаганидек, “*бўшлиқларни ўрнатиш билан боғлиқ фаолият ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришининг асосий шарти ҳисобланади*”²⁴. Агар қонунчилик органларининг фаолияти тизимли таҳлил ва эксперт хулосалари билан таъминланса, ҳуқуқий барқарорлик ва нормаларнинг амалий татбиқ даражаси ошади.

Ривожланган давлатлар амалиётида бўшлиқларни бартараф этишда Қонунчилик таъсирини баҳолаш тизими (*Regulatory Impact Assessment – RIA*) кенг қўлланилади. Масалан, *Буюк Британияда* ҳар бир янги ҳуқуқий лойиҳа RIA экспертизасидан ўтмас экан, у парламент муҳокамасига киритилмайди. Бу усул нафақат ҳуқуқдаги бўшлиқни, балки ортқча юклама, такрор ва ижро муаммоларини ҳам олдиндан аниқлайди²⁵.

Ўзбекистонда ҳам мазкур тажриба босқичма-босқич жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ваколатлари доирасидаги қонун нормаларини мувофиқлаштиришда бу механизм ҳуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этишга ва “*бир ҳуқуқбузарлик — бир идора юрисдикцияси*” тамойилини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда, дунёнинг ривожланган давлатлари ёшлар жиноятчилигига қарши курашда репрессив жазолардан кўра профилактик ва реставратив (тикланувчи) чораларга аҳамият беришмоқда. Қуйида шу йўналишдаги қонунчилик мисоллари келтирилади:

Германия – Ёшлар судлари тўғрисидаги қонун (*Jugendgerichtsgesetz – JGG*) ёшларни 14–18 ёш (*Jugendliche*) ва 18–21 ёш (*Heranwachsende*) тоифаларига ажратади²⁶. JGG 1-параграф 2-қисмига мувофиқ, 21 ёшга тўлмаган шахслар содир этган жиноятлар учун катталар кодекси эмас, ёшлар учун мўлжалланган ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Яъни суд 18–21 ёшдаги жиноятчини ўсмирга тенглаштириш мумкин деб топса, унга нисбатан катталар қамоқхонаси ўрнига тарбиявий жазо чоралари қўлланилади. Бу тартибда суд психологик экспертиза орқали ёшнинг ижтимоий-руҳий баркамоллик даражасини баҳолайди. Мақсад – ёш катталарни ҳам қайта тарбиялашга йўналтириш, уларни “*ҳаёт тамғаси*” – судланганликдан эҳтиёт қилиш.

Япония – “Вояга етмаганлар тўғрисида”ги қонун (*少年法 – Shōnen-hō*) таркибида “**гуҳан шонен**” (**虞犯少年**) тушунчасини жорий қилган. Бунда ҳеч қандай жиноят содир этмаган, аммо хулқ-атвори ва турмуш тарзи (уйдан қочиб кетиш, жиноий тоифадаги гуруҳларга қўшилиш ва ҳ.к.) келгусида жиноятга сабаб бўлиши мумкин бўлган болалар “**потенциал ҳуқуқбузар**” деб таърифланади²⁷. Бундай ҳолатларда оилавий судлар болага нисбатан жиноят иши қўзғатмайди – уларни ҳимоя ва назоратга олиш бўйича махсус чоралар қўллайди. Масалан, тартибга бўйсунмайдиган болалар болалар ишлари бўйича идора назоратига ўтказилиб, ота-онаси ва психологлар иштирокида тарбиявий дастурларга жалб этилади (*бу Японияда болани оғир жазодан сақлаб қолиш ва тузатиб йўлга солиш мақсадида амал қилади*).

²⁴ Сайдуллаев Ш.А. *Ҳуқуқий бўшлиқлар назарияси ва уларни бартараф этишининг институционал механизмлари*. – Тошкент: Адолат, 2021. – Б. 71.

²⁵ UK Government Cabinet Office. *Regulatory Impact Assessment (RIA) Guidance*. – London: HMSO, 2023.

²⁶ Ирина Навара-Себастьян “Уголовная ответственность подростков в Германии” // <https://www.partner-inform.de/partner/detail>

²⁷ Japanese juvenile law // <https://en.wikipedia.org/wiki>

Канада – Ёшлар жиноий одиллик тўғрисидаги акт (*Youth Criminal Justice Act – YCJA*) ёшларга нисбатан *диверсия* (судгача бурилиш) чораларини қатъий қонунийлаштирган.

Полиция ёки прокурор кичик ва биринчи марта содир этилган жиноят учун ўсмирни судга оширмасдан, огоҳлантириш, ота-онасига хабар бериш ёки жамоатчилик ишларига йўналтириш ҳуқуқига эга. YCJA 6-моддасига кўра, полиция ходими ёшлар содир этган ҳуқуқбузарлик учун суд жараёнини бошлашдан олдин, *огоҳлантириш, расмий ёзма танбеҳ бериш ёхуд ёшни махсус дастурга йўналтириш имкониятини кўриб чиқиш шарт*²⁸. Шундай экан, Канадада ёшларни турмага ёки судга бериш охириги чора сифатида қолади – биринчи навбатда уларни жазоламасдан тузатишга урғу берилади. Бу сиёсат ёшларни “судланган” деган тамгадан асраб, уларни ижтимоий реабилитация қилишга хизмат қилади.

Буюк Британия – *Жиноят ва тартибсизлик тўғрисидаги қонун (Crime and Disorder Act 1998)* 37-моддасида *Ёшлар адлия тизимининг бош мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш* деб белгилаб қўйилган²⁹. Буюк Британияда бу принцип “*Child First*” стратегиясида ўз аксини топган бўлиб, давлат ёшларни аввало “бола” сифатида кўриб, улар содир этган жиноятларда жазодан кўра профилактика, диверсия ва қайта таълим беришга устувор аҳамият қаратади. Бундай ёндашув болаларни майда ҳуқуқбузарликлар учун судга тортишдан кўра, уларни йиғиштириш ва келгусидаги хатоларни олдини олишга қаратилгандир.

Эндиликда, мазкур параграф доирасидаги илмий изланишнинг *объекти* ва *предмети* сифатида *ёшлар ҳуқуқбузарликларига оид муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ҳамда улар профилактикасини такомиллаштириш* масалаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар, профилактика субъектлари фаолиятининг ўзаро уйғунлиги, ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг самарадорлиги ва амалиётда учраётган низоли ҳолатлар мажмуи комплекс ёндашувни талаб этади.

Шу маънода, тадқиқотнинг марказий вазифаларидан бири сифатида миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар (правовой пробел)ни илмий-методологик мезонлар асосида аниқлаш, амалдаги нормаларнинг мазмун ва қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллашда юзага келаётган коллизия ва ноаниқликларни бартараф этишга қаратилган таклифларни шакллантириш назарда тутилади. Бунда қонунчиликдаги дефинициялар, ёш мезонлари, профилактиканинг *умумий–махсус–якка* шакллари, субъектларнинг ваколатлари ҳамда процессуал кафолатларини бир меъёردа ва ўзаро мувофиқ тарзда ифода этиш зарурати алоҳида ўрин тутади.

Демак, мазкур параграф мазмунида ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги мавжуд норматив асосларни *танқидий–қиёсий таҳлил қилиш*, ҳуқуқий бўшлиқларнинг сабаблари ва оқибатларини очиб бериш, уларни бартараф этишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга йўналтирилган *асослантирилган илмий таклифларни* шакллантириш диссертациянинг илмий натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

²⁸ Government of Canada “*Youth Criminal Justice Act (S.C. 2002, c. 1)*” // <https://laws-lois.justice.gc.ca>

²⁹ Children as suspects and defendants // Formerly Youth Offenders: Updated: 17 May 2023; 13 July 2023; 4 August 2025

Хусусан, бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ тушунчаларнинг норматив муомалада қўлланиш қўлами ва шакллари аниқлаш мақсадида ўтказилган контент-таҳлил натижаларига кўра, мувофиқ терминологик бирликлар 70 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида қайд этилди.

Таҳлил объекти Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат турлари асосида кодланганда, мазкур ҳужжатлар қуйидагича тақсимланиши аниқланди. Буларга, қонунлар – 6 та, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари – 11 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари – 23 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари – 25 та, вазирлик ва идораларнинг очик буйруқлари – 4 тадир.

Мазкур нисбатлар, *бир томондан*, ёшлар ҳуқуқбузарлигига оид терминларнинг давлат бошқаруви ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли даражадаги норматив манбалар орқали мустаҳкамланишини, *иккинчи томондан* эса, норматив танлаш (регулятив дизайн) механизмининг кўп қатламли хусусиятини кўрсатади. Шу боис, терминологик тартибга солишнинг иерархик уйғунлиги, яъни юқори юридик кучга эга ҳужжатлар билан қуйи даражадаги ҳужжатлар ўртасида тушунчалар аппаратининг мувофиқлиги ва изчиллиги масаласи алоҳида илмий-ҳуқуқий баҳолашни тақозо этади.

Айни пайтда, янги Ўзбекистон шароитида ёшлар жиноятчилиги (ҳуқуқбузарлиги) профилактикасини таъминлашга қаратилган муайян норматив-ҳуқуқий база шакллани кузатилади. Ушбу база, аввало, Конституциявий принципларга, шунингдек жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик меъёрлари, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш институтлари ҳамда профилактика ва ёшларга оид давлат сиёсатини белгилайдиган махсус қонунлар мажмуасига таянади. Шу маънода, мавжуд норматив тизим ёшлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, хавф омилларини камайтириш ва профилактик таъсир чораларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун зарур институционал-меърий асос сифатида намоён бўлади. Хусусан, Конституциянинг “*Оила, болалар ва ёшлар*”га бағишланган алоҳида боби мавжудлиги давлатнинг мазкур ижтимоий қатламни муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги устувор мажбуриятларини ифодалайди³⁰. Шу билан бирга, амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг *вертикал (Конституция–қонун–кодекс–қонуности ҳужжат) ва горизонтал (бир соҳадаги турли қонунлар ўртасидаги)* уйғунлиги етарли даражада таъминланмагани сабабли, ёшлар жиноятчилиги профилактикасида қатор *тизимли ҳуқуқий бўйлиқлар* кузатилади. Буларга:

биринчидан, “**Ёшлар**” ва “**вояга етмаганлар**” тушунчаларининг норматив диссонанси. Бунда, амалдаги қонунчиликда ёшлар тоифасининг ёш мезони турлича норматив “*кесим*”да белгиланган. Бир томондан, “*Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида*”ги Қонунга мувофиқ, **ёшлар — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар** ҳисобланади³¹. Бошқа томондан эса, жиноят қонунчилигида **вояга етмаганлик** мақоми ва унга хос имтиёзлар, жазо тайинлашдаги ўзига хосликлар ҳамда тарбиявий йўналишдаги мажбурлов чоралари асосан **18 ёшга тўлмаган шахслар** доирасида қаралади. Шунингдек,

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (30.04.2023), XIV боб “Оила, болалар ва ёшлар”, 76–77-моддалар // <https://lex.uz/docs/-6445145>

³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-406, 14.09.2016), 3-модда (ёшлар: 14–30 ёш) // <https://lex.uz/docs/-3026246>

Кодексда махсус қоидалар “*ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар*” қўлланилиши очик қайд этилган³².

Натижада, **18–30 ёш** оралиғидаги фуқаролар — ёшлар қатламининг асосий қисми — профилактика сиёсатида “*ёш*” сифатида эътироф этилса-да, жиноят-хукукий оқибатларда улар *тўлиқ “катталар” режими*га ўтади. Бу эса криминологик нуқтаи назардан “*ўтиш даври*” деб баҳоланадиган гуруҳ (айниқса 18–21 ёш) бўйича *индивидуализация* имкониятини чеклаб қўяди ва жиноятчиликка “*институционал мослашув*” (криминал субмаданиятга кириш) хавфини оширади. Мазкур ҳолат қонунчиликдаги концептуал узвийлик нуқтаи назаридан *тизимли камчилик* сифатида тавсифланади.

Иккинчидан, **рақамли (онлайн) профилактика институтининг қонуний моделланмаганлиги**. Бунда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг муайян қисми ахборот технологиялари орқали содир этилаётгани шароитида, профилактика фаолиятининг “*рақамли муҳит*”даги механизми алоҳида ҳукукий регламентга муҳтож. Бироқ амалдаги “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда профилактиканинг умумий, махсус ва **якка тартибдаги** шакллари, шунингдек якка профилактика чора-тадбирлари (профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация ва мослаштириш каби) кўрсатилган бўлса-да³³, уларни **онлайн-платформалар, ижтимоий тармоқлар, киберхавфлар** шароитида амалга оширишнинг махсус тартиби, ваколатли органларнинг рақамли профилактика бўйича мажбуриятлари, профилактик контент сиёсати, кибергигиена маданиятини шакллантириш каби элементлар **қонун даражасида аниқ белгиланмаган**.

Шу маънода, рақамли профилактика бўйича ҳукукий бўшлиқ “*превенциянинг объектлари ўзгарган, аммо ҳукукий механизмлар анъанавий қолган*” деган назарий зиддиятни келтириб чиқаради. Бу эса профилактиканинг самарадорлигига таъсир қиладиган институционал омил сифатида баҳоланиши мумкин.

Учинчидан, “**Ёшлар дафтари**” **институтининг қонун даражасида мустақамланмаганлиги**. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ёшлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва профилактик таъсир чораларини комплекс ташкил этиш мақсадида “*Ёшлар дафтари*” институти амалиётга киритилди. Бу йўналишда ёшларга оид давлат сиёсати тизимини ислоҳ қилишга доир Президент фармонида ёшлар билан ишлаш, шу жумладан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш вазифалари белгиланган³⁴. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан “*Ёшлар дафтари*”ни юритиш тартиби ва ташкилий механизмлар регламентланган³⁵.

Бироқ ҳукукий техника нуқтаи назаридан, институтнинг асосий параметрлари (*мақоми, субъектлари, рўйхатга олиш/чиқариш мезонлари, маълумотлар билан ишлаш стандартлари, манзилли ишлаш “кейси”, натижадорлик индикаторлари, шикоят қилиш*

³² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (22.09.1994), вояга етмаганлар бўйича махсус қоидалар “ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар” қўлланилиши ҳақидаги норма // <https://lex.uz/docs/-111453>

³³ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-371, 14.05.2014): 27-модда (вояга етмаганлар ўртасида профилактика), 28–33-моддалар (якка тартибдаги профилактика ва чора-тадбирлар) // <https://lex.uz/docs/-2387357>

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-996, 14.11.2024) // <https://lex.uz/docs/-7219502>

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (№312, 07.06.2022) — “Ёшлар дафтари”га оид тартиб ва ташкилий механизмлар // <https://lex.uz/docs/-6051791>

тартиби ва ҳ.к.)нинг қонун даражасида эмас, асосан қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинаётгани унинг ҳуқуқий барқарорлиги ва кафолатларини сусайтириши мумкин.

Шу сабаб, мазкур институтни “қонунийлаштириши” (легализация) масаласи ёшлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим йўналиш сифатида кўрилади.

Тўртинчидан, **Суддан ташқари тарбиявий таъсир (диверсия) механизмларининг чекланганлиги.** Бугунги кунда амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда айрим тоифадаги ишлар бўйича иш юритишни яқунлашнинг альтернатив шакллари мавжуд. Масалан, Жиноят-процессуал кодексда **ярашув** институти алоҳида боб сифатида назарда тутилган ³⁶. Бироқ мазкур механизм, қоида тариқасида, **жабрланувчининг иродаси** билан узвий боғлиқ бўлиб, давлат органининг (терговчи/суриштирувчи/прокурор) “институционал диверсия” ташаббуси асосида ишни судгача тугатиш ва шахсни реабилитацион-тарбиявий дастурга йўналтириш моделини тўлиқ қамраб олмайди.

Натижада, биринчи марта ва ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган қилмишлар бўйича “жазолашдан кўра тузатиш” тамойилини процессуал кафолатлар билан уйғунлаштирган, қонуний асосланган **диверсия пакети** (полиция/прокуратура диверсияси, шартли тугатиш, мажбурий реабилитация-дастурига йўллаш, назорат ва баҳолаш) қонунчиликда етарлича институционаллашмаган ҳолда қолмоқда.

Юқорида аниқланган ҳуқуқий бўшлиқлар ва норматив номуносивбликларни бартараф этиш, шунингдек ёшлар жиноятчилиги профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш мақсадида қуйидаги норматив таклифлар илмий жиҳатдан асосланган, назарий-амалий жиҳатдан мақбул деб ҳисобланади.

Биринчидан, Жиноят кодексига “**Ёш катталар (ўн саккиз ёшдан йигирма бир ёшгача) жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари**” (18–21 ёш) деб номланган “81'-модда”ни махсус норма сифатида киритиш. Бунда судга шахсининг ижтимоий-руҳий етуклиги ва қайта ижтимоийлашув эҳтимолини баҳолаган ҳолда, айрим ҳолларда вояга етмаганларга хос тарбиявий механизмларни қўллаш имкониятини бериш (индивидуализацияни кучайтириш).

“81'-модда. Ёш катталар (ўн саккиз ёшдан йигирма бир ёшгача) жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари

Жиноят содир этган ўн саккиз ёшдан йигирма бир ёшгача бўлган шахс (ёш катта)га нисбатан суд, унинг шахсияти, ижтимоий-маънавий камолоти, руҳий ривожланиш даражаси, жиноятнинг хусусияти ва содир этилиш шароитларини инобатга олган ҳолда, тузатиш ва ижтимоий мослашув мақсадида вояга етмаганларга хос тарбиявий-мажбурлов чоралари ёки уларга яқинлаштирилган жазо-таъсир чораларини қўллаши мумкин.

Мазкур қоида суднинг асослантирилган ҳал қилув қарорида мотивланган тарзда баён этилади.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (22.09.1994) — “Ярашув” институти (боб сифатида назарда тутилгани) // <https://lex.uz/mact/-111460>

Ёш катталарга нисбатан тарбиявий-реабилитацион дастурлар (психологик коррекция, касбий тайёргарлик, ижтимоий реинтеграция, пробация назорати) мажбурий равишда индивидуал режа асосида белгиланади.”

Мазкур таклифдан кутиладиган натижа қуйидагилардан иборат бўлади. Буларга:

1) 18–21 ёшда рецидив траекториясининг “мустаҳкамланиб қолиши” олди олинади. Бунда 18–21 ёш — криминологик жиҳатдан ўтиш даври бўлиб, айнан шу босқичда биринчи ҳуқуқбузарлик тажрибаси такрорланиб, шахсда “қонунга зид ҳуқ-
атвор” барқарор одатга айланиш хавфи юқори бўлади. Шу сабабли профилактик-
реабилитацион таъсирнинг барвақт ишга туширилиши (хавф даражасига мос индивидуал
дастур, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш, таълим/касбга йўналтириш, оила ва
маҳалла ресурсларини сафарбар қилиш) **қонунбузарликнинг такрорланиш механизмини**
илк ҳалқалардаёқ узишга хизмат қилади. Натижада, “биринчи ҳуқуқбузарлик →
маъмурий/жиноий санкция → ижтимоий стигматизация → тенгдошлар таъсири → қайта
ҳуқуқбузарлик” каби рецидив занжири узилиб, ёшнинг ижтимоий интеграцияси учун реал
имкониятлар яратилади. Бу эса ўрта ва узоқ муддатда рецидив статистикасининг
пасайиши, криминоген муҳит таъсирининг чекланиши ва профилактиканинг
самарадорлиги ошишига олиб келади;

2) жазолашдан кўра тезкор реабилитация устувор парадигмага айланади. Агар
тизим асосан жазолаш логикасига суянса, айниқса 18–21 ёшда, ёш шахснинг таълим-
меҳнат траекторияси узилиши, ишсизлик, ижтимоий изоляция, психологик тушқунлик ва
маргиналлашув хавфи ортади. Реабилитация устувор бўлган ёндашув эса жазони “мақсад”
эмас, балки **шахсни тузатиш ва ижтимоий мослаштиришнинг** воситаси сифатида
қўллайди. Бунда тезкор реабилитация деганда фақат умумий тарғибот эмас, балки:

- *эҳтиёж ва рискка мос индивидуал реабилитация режаси;*
- *психология, ижтимоий иш, бандлик, таълим, пробация/профилактика субъектлари ҳамкорлиги;*
- *назорат–ёрдам нисбатининг балансда сақланиши;*
- *“қайта ижтимоийлашув натижаси”га йўналтирилган мезонлар каби амалиётга татбиқ этиладиган механизмлар тушунилади. Шу орқали тизим “жазолаш–
изоляция”дан “реабилитация–интеграция”га оғади ва ижтимоий хавфли оқибатлар камаёди;*

3) суд қарорларида индивидуализация даражаси сезиларли ошади. Бунда ёшлар
тоифасида “бир хил ҳолатга — бир хил реакция” ёндашуви аксар ҳолларда самара
бермайди, чунки ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шахсий шароитлар кескин фарқ қилади
(оилавий назорат, таълимдан узилиш, ишсизлик, психоэмоционал муаммолар, тенгдошлар
муҳити, яшаш шароити ва ҳ.к.). Индивидуализациянинг ошиши — суд қарорлари фақат
ҳуқуқий квалификация билан чекланмай, балки:

- *ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий-психологик детерминантлари;*
- *шахснинг **риск профили** ва қайта ҳуқуқбузарлик эҳтимоли;*
- *ижтимоий тикланиш имкониятлари (таълим, иш, оила, ижтимоий таянч) каби факторларга таянадиган, далиллар билан асосланган қарорга айланишини англатади.*

Натижада, жазо ва таъсир чоралари “минимал зарурлик” ва “мақсадга мувофиқлик” принципларига яқинлашади: қайси ҳолатда оғир санкция зарур, қайси
ҳолатда альтернатив чоралар (шартли ҳукм, назоратли реабилитация, мажбурий ижтимоий
дастурлар, компенсация/тикланувчи адлия элементлари) самарали — шу аниқроқ

белгилаб берилади. Бу суд амалиётининг адолатлилиги, прогнозланувчанлиги ва тарбиявий таъсирини кучайтиради.

Иккинчидан, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда рақамли профилактика тушунчаси ва ваколатларини алоҳида **“Рақамли муҳитда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”** деб номланган **28¹-моддани** киритиш. Мазкур таклиф жорий этилиши онлайн муҳитда профилактика, кибергигиена, зарарли контентнинг олдини олиш, платформалар билан ҳамкорлик, профилактик ахборот сиёсати каби институтларни қонун даражасида белгилаш.

“28¹-модда. Рақамли муҳитда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

Рақамли профилактика — ахборот-коммуникация технологиялари, интернет платформалар ва электрон хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, олдини олиш, виктимликни камайтириш ҳамда ҳуқуқий онг ва кибергигиена маданиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир.

Ваколатли субъектлар: ички ишлар органлари, таълим ташкилотлари, ёшлар билан ишлашга масъул давлат органлари ва маҳаллий профилактика тузилмалари рақамли профилактик тадбирларни амалга оширади.

Рақамли профилактика чоралари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ёшлар ўртасида кибертаҳдидлар бўйича ҳуқуқий тушунтириш ва профилактик ахборот кампаниялари;

б) онлайн-буллинг, онлайн фирибгарлик, қимор ва зўравонликни тарғиб қилувчи ахборотнинг зарари юзасидан манзилли профилактика;

в) платформалар билан ҳамкорликда мурожаатларни қабул қилиш, тезкор йўналтириш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича протоколлар;

г) профилактик ҳисоб ва кейс-менежментда рақамли инструментлардан фойдаланиш.

Рақамли профилактикада шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, бола ҳуқуқлари ва процессуал кафолатлар таъминланади.”

Мазкур таклифдан кутиладиган натижа қуйидагилардан иборат бўлади. Буларга:

1) **интернетдаги ёшлар ҳуқуқбузарликларига қарши қонуний “қалқон”** яратилиб, онлайн макондаги таҳдид ва рисклар (кибербуллинг, таъкиб, фирибгарликка жалб қилиш, экстремистик/зўравонлик мазмуни, шахсий маълумотларни суиистеъмол қилиш ва ҳ.к.)га нисбатан **аниқ ҳуқуқий таърифлар**, жавобгарлик мезонлари ҳамда **ҳимоя ва мурожаат қилиш механизмлари** (чеклаш, огоҳлантириш, контентни олиб ташлаш, реабилитация чоралари) мустаҳкамланади;

2) **идоралар ваколати аниқлашади**, яъни профилактика, мониторинг, терговга қадар текширув, ахборот алмашинуви ва ёшни ҳимоя қилиш бўйича вазифалар “қайси орган — қайси босқичда — қандай тартибда” деган принцип асосида **ҳуқуқий регламентга** тушади. Бу ваколатлар тўқнашуви ва такрорланишини камайтиради, масъулиятни кучайтиради, қарор қабул қилишни тезлаштиради;

3) **профилактика анъанавий муҳитдан рақамли муҳитга тизимли кўчади**: маҳалла/таълим муассасасидаги профилактика чоралари билан бир қаторда, ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда **эрта огоҳлантириш**, riskли гуруҳлар билан **масофавий профилактик иш**, онлайн маслаҳат/психологик ёрдам, рақамли саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган **интерактив платформалар** орқали таъсир чоралари

йўлга қўйилади. Натижада профилактика **“реактив”** эмас, балки *проактив* ва тезкор тизимга айланади.

Учинчидан, “Ёшлар дафтари” институтини қонун даражасида мустақамлаш. Бунда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунга **янги** “Ёшлар дафтари” орқали профилактик ва ижтимоий реабилитацион иш (кейс-менежмент)” деб номланган **6¹-моддани** киритиш. Мазкур таклиф келажакда ёшлар давтари юритилишининг ҳуқуқий мақоми, процессуал кафолатлари, маълумотлар билан ишлаш стандартлари ҳамда “кейс-менежмент” модели элементларини (*масъул субъект, индивидуал режа, мониторинг, натижа индикаторлари*) қонунга киритиш.

“6¹-модда. ‘Ёшлар дафтари’ орқали профилактик ва ижтимоий реабилитацион иш (кейс-менежмент)

“Ёшлар дафтари” — ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ёшлар муаммоларини баҳолаш, манзилли чоралар белгилаш ва натижани мониторинг қилишга хизмат қилувчи тизимдир.

Кейс-менежмент — ҳар бир ёш бўйича индивидуал ҳолат (*case*)ни баҳолаш, риск-омиллар ва эҳтиёжларни аниқлаш, ‘йўл харитаси’ни тасдиқлаш, ижро ва қайта баҳолаш цикллари ўз ичига олади.

“Ёшлар дафтари”да профилактикага оид маълумотлар фақат қонун билан белгиланган мақсадларда қўлланилади; шахсий маълумотлар ҳимояси, стигматизацияга йўл қўймаслик ва қарорларнинг асослантирилиши кафолатланади.

Киритиш/чиқариш мезонлари, минимал ижтимоий стандартлар, идоралараро ҳамкорлик тартиби ҳамда шикоят қилиш механизми қонун билан белгиланади.”

Мазкур таклифдан кутиладиган натижа қуйидагилардан иборат бўлади. Буларга:

1) **Профилактика “рўйхат юритиш”дан чикиб, индивидуал иш (case) моделига ўтади:** ҳар бир ёшнинг риск омиллари ва эҳтиёжи баҳоланиб, аниқ мақсадли чоралар режаси (таълим, бандлик, психологик ёрдам, оила билан иш) белгилаб борилади.

2) **Идоралараро тарқоқлик қисқаради:** ички ишлар, таълим, маҳалла, ижтимоий хизматлар ва бошқа субъектлар ўртасида вазифалар, ахборот алмашинуви ва жавобгарлик аниқ регламентланиб, такрорий ишлар камаяди.

3) **Стигматизация хавфи ҳуқуқий кафолатлар билан чекланади:** қарорларни асослаш, хабардор қилиш, муддат ва қайта кўриб чиқиш, шикоят қилиш имконияти ҳамда махфийлик талаблари ёшнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Тўртинчидан, Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига нисбатан **диверсиянинг процессуал моделини** (*жиноят ишини шартли тугатиш ва шахсни тарбиявий/реабилитацион дастурга йўллаш орқали*) норматив жиҳатдан мустақамлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таклиф доирасида ЖПКнинг “Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш” деб номланган ўн учинчи бўлимига янги **“Вояга етмаганлар ишларида судгача диверсия”** номли **59¹-бобни** киритиш назарда тутилади.

“59¹-боб. Вояга етмаганлар ишларида судгача диверсия (реабилитацион йўналтириш)”

546²-модда (шартлар): биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан, уни тугатишга реабилитацион дастур етарли деб топилса, суриштирувчи/терговчи прокурор розилиги билан ишни судга юбормасдан диверсия қўллаш ҳақида қарор қабул қилади.

546³-модда (тартиб): қарор мотивланган бўлади; вояга етмаган (ва қонуний вакил), ҳимоячи, психолог иштирокида тушунтириш ўтказилади. Шунингдек, индивидуал реабилитацион режа тузилади.

546⁴-модда (дастур): пробацция/ижтимоий хизматлар орқали психологик коррекция, таълим-касбга йўналтириш, медиатив мулоқот, жамоатчилик назорати тадбирлари белгиланади.

546⁵-модда (кафолатлар): қарор устидан ишқоят қилиш ҳуқуқи, муддат, қайта кўриб чиқиш сана-меъёрлари ва маълумотларнинг махфийлиги кафолатланади.

546⁶-модда (натижа): дастур бажарилса иш тугатилади; бажарилмаса — иш умумий тартибда давом эттирилади.”

Мазкур таклифдан кутиладиган натижа қуйидагилардан иборат бўлади. Буларга:

1) **судгача босқичда тезкор ва самарали ҳал этиш** таъминланади: ижтимоий хавфи паст бўлган айрим вояга етмаганлар ишлари “процессуал айланма”да узоқ қолмасдан, шартли тугатиш ва дастурга йўллаш орқали оқилона яқунланади;

2) **рецидивнинг олди олинади.** Бунда жазо марказидаги ёндашув ўрнига тарбиявий, психологик ва ижтимоий реабилитация чоралари қўлланиб, ҳуқуқбузарликка олиб келган сабаблар (оила, таълим, муҳит, ҳулқ-атвор кўникмалари)га мақсадли таъсир кўрсатилади;

3) **индивидуализация ва инсонпарварлик принциплари кучаяди.** Бунда ҳар бир иш бўйича ёшнинг шахсий хусусиятлари, тузалиш потенциали ва ижтимоий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда қарор қабул қилиш амалиёти шаклланади;

4) **ярашув институтининг “иродавий чекловлари” юмиштилади.** Яъни, жабрланувчи розилигига тўлиқ боғлиқлик камайиб, муросага эришилмаган ҳолатларда ҳам тарбиявий мақсадга хизмат қиладиган қонуний альтернатив механизм пайдо бўлади;

5) **суд ва тергов органлари юкламаси қисқаради.** Бунда майда ва ўрта оғирликдаги алоҳида тоифа ишлар судгача диверсия орқали ҳал этилиши ҳисобидан ресурслар оғир ва мураккаб ишларга йўналтирилади;

6) **процессуал кафолатлар ва назорат механизми мустаҳкамланади.** Бунда, шартли тугатиш асослари, дастурни бажариш тартиби, муддатлар, қайта кўриб чиқиш ва қарорни бекор қилиш мезонлари аниқ белгилаб қўйилгани сабабли ҳуқуқни қўллашда шаффофлик ошади;

7) **ижтимоий адолат ва ёшнинг келажак имкониятлари ҳимоя қилинади.** Бунда биринчи хатонинг “умрбод ҳуқуқий тамға”га айланиб кетиши олди олинди, ёшни таълим, касб ва ижтимоий ҳаётга қайтариш механизми кучаяди.

Умуман олганда, таклиф этилаётган ислохотлар Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилиги профилактикасини **репрессив-ҳуқуқий** ёндашувдан **профилактик ва реставратив (реабилитацион)** моделга босқичма-босқич ўтказишга қаратилган. Хусусан, Жиноят кодексига “ёш катталар” (18–21) институтини киритиш орқали 18 ёшдан кейин кескин “катталар режими”га ўтиб кетишдан келиб чиқадиган криминоген хавфлар пасайтиради; “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга **рақамли профилактика** нормасини жорий этиш билан интернет муҳитидаги замонавий таҳдидларга ҳуқуқий жавоб яратилади; ЖПКда **полиция диверсиясини** институт сифатида мустаҳкамлаш ёшларни судланиш “тамғаси”дан саклаб, уларни барвақт тарбиявий-реабилитацион дастурларга йўналтириш имконини беради; “Ёшлар дафтари”да **кейс-менежментни** қонунийлаштириш эса манзилли ишлаш, идоралараро мувофиқлик ва натижадор мониторингни таъминлаб, профилактика тизимининг самарадорлигини

оширади. Пировардида, мазкур таклифлар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг такрорланишини камайтириш, кибертахдидларга қарши ҳуқуқий “қалқон” яратиш ва барқарор, хавфсиз ижтимоий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.